ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 12 декабр, сешанба № 196 (2245)

Ушбу сонда:

2 САХОВАТ СОҲИБЛАРИ

2-3 ФЕРМЕР БОЙИСА, АРЗОНЧИЛИК БЎЛАДИ

4 АМИР ТЕМУРНИНГ СЕВИМЛИ КЕЛИНИ

Куни кеча Тошкентда халқаро Евроосиё металлургларкасаба уюшмалари Федерациясининг навбатдаги XXIV анжумани бўлиб ўтди. Туркия, Кипр, Белоруссия, Россия, Украина, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда республикамиз вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда Евроосиёда иқтисодий ҳамкорлик имкониятларини кенгайтириш, касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантириш ва яна бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Суратда: анжумандан лавҳалар.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.





ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИДАН – ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИГА

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан

Жорий йил мобайнида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида аҳоли учун янги иш ўринлари ташкил этиш, жумладан, қишлоқ жойларида касаначилик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, уй шароитида чорва маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланаётган кишиларга меҳнат дафтарчаси очиш ва пенсия бадалларини жамғариб бориш имконияти яратилгани айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида амалга оширилган ишлар

... давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар кўмагида юртимиздаги кўп болали, кам таъминланган оилаларга 10 миллиард сўмликдан зиёд қорамол олиб берилгани мамлакатимизда саховат ва ҳиммatлиликнинг яна бир ёрқин намоёни бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Миллионлаб юртдошларимиз иштирок этган умумхалқ хайрия ҳашарларидан тушган маблағлар ҳисобидан 2 минг нафар ёлғиз кекса ва 66 минг кам таъминланган оиланинг 3 миллион 570 минг квадрат метр уй-жойи таъмирлаб берилгани ҳам шундай савобли ишлар жумласидандир.

Айни пайтда қарийб 23 минг нафар қаровчисиз қария ва ногирон кишиларга ижтимоий хизмат кўрсатилгани, республикамиздаги барча «Саховат» ва «Мурувват», «Меҳрибонлик» уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларга ҳомийлар томонидан 3,5 миллиард сўмлик моддий ёрдам берилганини бу борадаги муҳим ишлар сифатида қайд этиш лозим.

Ўтган давр мобайнида жами 161 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилгани, шулардан 18 таси янгитдан барпо этилгани, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси эса реконструкция қилингани бунинг тасдиғидир.

Мактабга илк бор қадам қўйган фарзандларимизни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш ишлари давом эттирилиб, 521 минг нафар болага қарийб 15 миллиард сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға сифатида берилди.

Жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб салкам 725 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси 16 миллиард сўмликдан зиёд кийимбош билан таъминланди.

237 минг нафар фарзандларимиз ёз мавсумида республикамизнинг соғломлаштириш масканларида кўнгилли дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаб қайтганини ҳам қайд этиш даркор.

"Экосан" халқаро ташкилоти томонидан чет эллик ҳомийлар иштирокида Оролбўйи минтақасига саломатлик поездлари ташкил этилиб, бу ерда яшаётган аҳолига 1,2 миллиард сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилгани ҳам ана шундай амалий ишлар сирасига киради.

Йил давомида мамлакатимизнинг барча худуд ва минтақаларидан қарийб 30 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, нуроний отахон ва онахонлар, ногиронларнинг пойтахтимиздаги диққатга сазовор жойларга ҳамда Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарларимизга саёҳатлари амалга оширилди.

Ҳомийлик фаолиятининг қонуний кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Ҳомийлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, зарур жиҳоз ва мебеллар билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сўм, яъни, ўтган йилдагига нисбатан тахминан бир ярим баробар кўп маблағ ажратилгани, капитал таъмирлашга эса ҳомийлар ҳисобидан 7 миллиард сўм сарфланган бажарилган ишлар кўламини яққол кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қонун қабул қилингани ва бу сана 12 ноябр куни биринчи бор юртимизда кенг нишонлангани, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони таъсис этилгани шифокорлар хизматини холисона баҳолаш ва қадрлаш йўлида, ҳеч шубҳасиз, муҳим бир қадам бўлди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижросининг ўзи қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағини сарфлашни талаб қилгани бир йил давомида қанчалик кенг қамровли ишларни бажарганимизнинг яққол далолати, десам, тўғри бўлади.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар

Давлат бюджетимизнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич келгуси йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар микдори эса 2007 йил бюджетида 7 фоизни ташкил этмоқда.

Бюджетда белгиланган харажатлардан ташқари, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтиришга қаратилган махсус қарорлар қабул қилинади.

Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак.

Олдимизда турган яна бир долзарб вазифа – биринчи галда, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб туғилишига алоҳида аҳамият қаратиш, "Соғлом она – соғлом бола" деган шиор остида катта эътибор билан бошлаган ҳаракатимизни давом эттириш ва унга том маънода янги туртки бериш, бу муаммога замонавий кўз билан қараш ва етарли даражада маблағ ажратиш масалалари доимий диққат-марказимизда туриши даркор.

Айни вақтда, барча "Меҳрибонлик уйлари" ва махсус мактаб-интернатларнинг ижтимоий аҳволини ва моддий-техник базасини танқидий кўриб чиқиш, шу асосда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, етим-есир, қаровчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, мухтасар айтганда, "Сен ёлғиз эмассан" деган шиорни жамиятимиз ҳаётига чинакамига жорий этиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ночор ва ёрдамга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар – бевосита "Меҳрибонлик", "Саховат" ва "Мурувват" уйларида ишлаётган ҳамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу соҳага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз зарур.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил қиладиган ёшларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш – бу уларнинг замонавий таълим ва тарбия олиши, зарур касб-ҳунарларни эгаллаши бўладими, иш ўрнига эга бўлиши, ўз қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариши учун имконият яратиш бўладими, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оёққа туришида кўмак бериш бўладими – бу масалаларнинг барчаси биз учун энг муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Табиийки, "Ижтимоий ҳимоя йили"да эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётий ўгитлари билан ибрат бўлиб келаётган мухтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечириши учун шароит яратиб бериш бўйича аввалги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз.

Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, 2007 йилга "Ижтимоий ҳимоя йили" деб ном берганимиз шу йўлда олдимизда турган вазифаларнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириш билан жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилади.

МУАММОЛАР ЕТАРЛИ

лекин уларнинг ечимини топиш мумкин

• Фаолиятга назар


Мана 2006 йил ҳам тугаб бормоқда. У республикамиз ҳаётида ўзига хос из қолдирмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Пахта ҳамда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Албатта, бу ютукда республика Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларнинг ҳам ҳиссаси бор. Мухбиримиз Марказий кенгаш раиси Шамси Эсонбоев билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси олдига ҳам масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Демократик қадриятларни, меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, жамиятни ижтимоий-сиёсий ривожида адолат меъёрлари қарор топишини таъминлаш шулар жумласидандир.

Айни кунда давлатимиз раҳбари кучли фуқаролик жамияти қуришда жамоат ташкилотлари ва уларнинг бу борадаги фаолиятларига катта умид билдиряптилар. Шу боисдан фаолиятимизни шунга мос равишда такомиллаштириб бормоқдамиз. Ҳуқуқий-демократик жамият қурилиши йўлидаги ислоҳотларни амалга ошириш барчабарчадан тинимсиз изланишни тақозо этади. Қолаверса, касаба уюшмалари ҳам моҳиятан, ҳам табиатан меҳнаткашларга яқин.

Айни вақтда тизимимизда 5 минг 414 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, улар ўз атрофига 2 миллион 476 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Биз ўз фаолиятимизни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ва тармоқ касаба уюшмасининг Уставлари ҳамда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Фармонлар, қарорлар асосида юритяпмиз.

— Бу йил куз яхши келди. Пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Ушбу муваффақиятда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам



ўрни бор, албатта.

— Йил давомида барча вилоят ҳамда туман кенгашлари раислари вилоят ҳамда туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда тадбирлар тузиб, дала меҳнаткашларини қўллаб-қувватлаб келганимиз бесамар кетмаганидан хурсандмиз. Биргина жорий йилнинг ўзида Марказий кенгаш ҳисобидан илғор теримчиларга 1,5 миллион сўмликдан зиёд маблағ мукофот тариқасида берилди. Илғор ғаллакорлар Марказий кенгашнинг «Фахрий ёрлиқ»лари билан тақдирланишди.

Тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий муҳофазалашни янада яхшилаш, хавф-хатарсиз, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш доимий диққат-марказимизда. Шунингдек, жамоа шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга 234 миллион сўмдан зиёд маблағ тарқатилди. 714 нафар кўп болали аёлларнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш ҳафталари 1 соатга қисқартирилди. Бу каби имтиёзлардан пенсионерлар, байналмилалчи жангчилар ҳам баҳраманд бўлишди.

Тармоқ меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзоларини маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан. Бугунги кунда тармоқдаги 14 та кутубхонада 63 минг нусхадан зиёд китоб жамғарилган. Кўплаб клубларда ижодий тўгараклар ишлаб турибди. Жисмоний тарбия ва спорт ишлари ривожланиб бормоқда. Айни вақтда 2 минг 200 та жисмоний тарбия жамоалари фаолият кўрсатмоқда. 105 та ўйингоҳ, 3 минг 861 та спорт майдончалари меҳнаткашлар хизматида.

Марказий кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишларнинг яна бири, бу ёш авлодни соғломлаштиришдир. Жорий йилда тармоқдаги 124 та оромгоҳда 44 минг 969 нафар бола дам олдирилди. Йўлланмаларнинг асосий қисми кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларга берилди.

— Ўзбекистон Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тармоқда қай тариқа ўз аксини топмоқда?

— Мазкур Фармонга биноан иш билан банд бўлмаган аҳолини уйда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ишларига жалб этиш, касаначиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ЎзКУФК ҳамда Марказий кенгашнинг қарорлари қабул қилинди. Касаначиликни ривожлантириш учун имкониятлари мавжуд бўлган корхоналарда аниқ чора-тадбирлар белгиланди. 2006 ва келгуси йиллар учун тузилган жамоа шартномаларига ва тармоқ келишувларига қарорда белгиланган бандлар киритилди.



Қорақалпоғистон Республикасида касаначилик меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар сони 10 та бўлиб, 85 та меҳнат шартномаси тузилган. Касаначилар тикувчилик, уй паррандачилиги, гуручни ва унни қайта ишлаш каби меҳнат турлари билан шуғулланишяпти. Уларнинг кўпчилиги касаба уюшма аъзолигига қабул қилинишган. Шу жумладан, «Қўқон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти, «Қўқон нон» масъулияти чекланган жамият, «Пахтасаноат» вилоят бирлашмаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида бу борада кўпгина ишлар олиб бориляпти. Бунинг натижасида тикувчилик, ёрдамчи хўжалик ишчиси, пиширириқлар цехи, насосларга манжет тайёрлаш, қишлоқ хўжалигига оид пудрат ва бошқа ишлар бўйича 835 та киши касаначиликка жалб этилди. Улар билан меҳнат шартномаси тузилган.

Ёш оилаларни иш билан таъминлаш мақсадида Наманган вилоятида 21 та касаначилик корхоналари ташкил этилди. Уларда айни вақтда 450 нафар киши ишлаяпти. Масалан, «Косонсой пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятида тикувчилик цехи ташкил этилиб 28 нафар киши, «Норин тола» ҳиссадорлик жамиятида чеварлик цехи ташкил этилиб 20 нафар киши ишлаяпти. «Чуст пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятидаги дўппидўзлик ва пичоқчилик цехларида 58 нафар киши меҳнат билан банд.

Шу билан бирга Бухоро, Сирдарё вилоятларида ҳам касаначилик афзалликларидан кенг фойдаланилмоқда. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, касаначиларнинг асосий қисми касаба уюшмасига аъзо бўлишган.

— Фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилоти тузиш қай аҳволда?

— Республикамиз Президентининг «Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони қишлоқ хўжалигида туб бурилишларга олиб келди. Паст рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизида 181 минг 698 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларда 1 миллион 83 минг нафардан зиёд киши ишламоқда. 1 миллион 34 минг нафари айни вақтда касаба уюшма имтиёзларидан баҳраманд бўлишяпти. Лекин бу эришилган натижа бизни қониқтирмаяпти. Асосий эътиборни фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилотлари тузишга қаратганмиз.

Аммо бу борада баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, собиқ ширкат хўжалиги аъзолари фермер хўжаликларига ишга киришмаяпти. Бундан ташқари, аксарият фермер хўжаликлари раҳбарлари ишчиларни қисқа муддатга ёллашмоқда. Бу ҳолат тармоқда яширин ишсизликни ва норасмий меҳнат бозорларининг вужудга келишига ҳамда касаба уюшма аъзолари сонининг камайишига сабаб бўляпти.

Биз бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида семинарлар ўтказдик. Ҳар бир вилоятнинг тузилмасидан келиб чиққан ҳолда Муқобил машина-трактор парки, Сувдан фойдаланиш уюшмаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Фуқаролар йиғинлари ҳудудларида бошланғич ташкилотлар тузилмоқда.

Яна бир муаммо: Фермер хўжаликларида ишлаётганларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш мақсадида жамоа шартномаларини тўлиқ тузиб бўлмаяпти. Чунки айрим фермер хўжаликларидаги ходимлар сони бошланғич ташкилот тузиш учун етарли бўлмаяпти. Бу ҳолат бир томондан, аъзолик бадалини тўла тушишини қийинлаштирса, иккинчидан, бошланғич ташкилот етакчисидан катта меҳнат ва ҳаракат талаб этади.

Кўриниб турибдики, муаммолар етарли. Лекин уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилиш зарур. Чунки давр шуни талаб қилмоқда.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Етакчи минбари

Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакиллигида ўн саккиз мингга яқин касаба уюшма аъзолари бор. Улар 40 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва яхшилаш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, меҳнаткашларнинг дам олиш ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратишда вакиллик томонидан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Ўтган давр мобайнида Вакилликка 60 та ёзма ва оғзаки аризалар тушди. Улар тўлиқ ўрганиб чиқилиб, ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Касаба уюшма аъзолари сафини кенгайтириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2003 йили вилоятда «Оби ҳаёт» ЛТД корхонаси очилиб, ўнга яқин фуқаролар иш билан таъминланган эди. 2004 йилда ташкил қилинган «Боготтекстил» Ўзбекистон-Туркия ва «Шовот ТЕКС» Ўзбекистон-Германия қўшма корхоналари 400 га яқин кишининг бандлигини таъминлади. 2006 йил бошида Боғот туманида яна бир қўшма корхона — «Коттонтекс» иш бошлади ва 100 дан зиёд ишчилар қабул қилинди. Эндиликда бу ишчи-хизматчиларнинг ҳаммаси касаба уюшма аъзоларидир. Уларда ташкил қилинган касаба уюшма қўмиталари бугунги кунда самарали иш олиб бормоқда.

Хоразм вилоят ҳокимининг фармойиши асосида вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси тугатилиб, вилоят уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ташкил этилди. Шаҳар ва туманларда, ширкатларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолият бошлади.

Вилоятда янги иш ўринлари очиш давом этмоқда. «Хоразм ипаги» акциядорлик жамиятига инвестиция киритилди. Корхона тўлиқ таъмирланди. Натижада кўплаб фуқаролар учун ўз иқтидорларини намоён қилиш имконияти туғилди. «Гурлан ТЕКС» Акциядорлик жамиятида модернизация ишлари олиб борилмоқда. Янги замонавий технологиялар келтирилиши айни муддао бўлди. Ишчилар сонини ҳам ошириш кутилмоқда.

Вакиллик тизимида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, билимини, иш самарадорлигини ошириш мақсадида доимий ўқув-семинар ташкил этилмоқда. Ҳар чоршанба «Касаба куни». Бу кун вакиллик ходимлари бошланғич ташкилотларда бўлиб, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Вакиллик томонидан етти соҳа раҳбарияти билан ишчи-хизматчиларни ҳимоялаш мақсадида тармоқ келишувлари тузилган ва юқори касаба уюшма органида экспертиза қилиниб, меҳнат органида билдириш рўйхатидан ўтказилган. Тармоқ келишувларини тузиш ва уларнинг бажарилишини муҳокама қилиш юзасидан қўшма қарор мавжуд.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда бошланғич касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият ўртасида 140 та жамоа шартномаси тузилиб, вакилликда экспертиза қилинди ва рўйхатдан ўтказилди. Жамоа шартномалари орқали 2005 йилда ишчи-хизматчиларга жами 1182830,8 минг сўм миқдорида ҳар хил имтиёзлар берилди. Бу ҳар бир ишчи-хизматчига 65,1 минг сўмдан тўғри келди.

Тугатилаётган корхоналардан бўшатилаётган ходимларга иш ҳақлари қонун асосида ундириб берилмоқда. Иш билан таъминлашнинг иложи бўлмаган тақдирда, ишчи-хизматчилар рўйхати меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлимларига топширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида вакилликнинг аъзолик бадали даромади 28726,8 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу маблағнинг 4454,7 минг сўми маданий-оммавий тадбирларга, 2273,3 минг сўми спорт тадбирларига сарфланди. Кам таъминланган ишчиларга 1762,3 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Вакиллик томонидан режалаштирилаётган тадбирлар ҳам кўп. Жойларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ниятидамиз. Биз ҳеч бир ишчи эътибордан четда қолмаслигини истаймиз. Бунинг учун эса янада астойдил фаолият юритишимиз даркор.

Р.ИСКАНДАРОВА,
Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакили

Касаба уюшма тадбири



Жиззахда «Меҳр-мурувват шаҳарчаси» барпо этилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли кўзи ожиз ва заиф болалар махсус мактаб-интернатининг уч қаватли биноси шаҳарчага ўзгача ҳусн бағишлаб турибди.

150 ўринли мазкур муассаса ўтган йилнинг октябрида ишга тушди. Бу имконият туфайли вилоят ҳудудида яшовчи кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларнинг Тошкент, Самарқанд сингари шаҳарларга қатнаб ўқишлари барҳам топди.

Бу масканда 125 болага 30 ўқитувчи, 33 тарбиячи сабоқ бериб келяпти. 150 ўринли ётоқхона, 15 та синф хонаси, ота-оналар билан учрашув хонаси, спорт зали, ошхона, кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари болалар ихтиёрида.

— Жамоамизда 11 нафар кўзи ожиз олий маълумотли ўқитувчи ҳам меҳнат қилади, — дейди мактаб-интернат раҳбари Мавлуда Эргашева. — I гуруҳ ногирони, тарих фани ўқитувчиси Б. Ортиқов, тилчи А. Тўхтаев ўз меҳнатлари билан аллақачон кўпчиликнинг меҳрини қозонган. Ҳозирда фанлар олимпиадасига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Дастлабки ўқув йилида 11 нафар ўқувчи мактабни битириб, улардан 7 нафари мамлакатимиз олий ўқув юртларига грант асосида ўқишга кирди.

Яқинда хушхабар тарқалди. IX синф ўқувчиси Маҳфират Сойипова Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Ажойиб халқимиз бор. Айтишларича, ўтган йили ҳам кўплаб саховатли инсонлар бу масканда бўлиб, ҳайр-эҳсонларини аяшмаган. Бир йигит 16 та пальтони болаларга совға қилиб улашибди-ю, ҳатто исмини ҳам ҳеч кимга айтмасдан хайрлашибди.

Мактаб-интернатнинг 5-синф ўқувчиси Шайхисломнинг онаси, ғаллароллик тадбиркор Адолат Маматқулова ўз ҳисобидан 50 жуфт оёқ кийимини болаларга улашди.

Яқинда Жиззах вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши мактаб-интернатга 1 миллион 800 минг сўмлик турли хил жиҳозларни ҳадя этди.

— Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши кераклиги ҳаёт тарзимизга айланди, — дейди тадбирда сўз олган вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари А. Ихтиёров.

Дарҳақиқат, шу йилнинг ўтган даврида вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг бевосита иштирокида 14 миллион 700 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шундан 5,8 миллион сўмлик маблағ касаба уюшмалари бюджетидан сарфланди. «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятида кўп болали, кам таъминланган оилаларни соғломлаштириш учун 3 миллион сўмлик, Зомин туман халқ таълими бўлимида 520 минг сўмлик маблағ кам таъминланган ўқитувчилар оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланди.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Суратларда: касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси кенгаши раҳбарияти махсус мактаб-интернатга совға-саломлар топшираётган пайт.

САХОВАТ СОҲИБЛАРИ



Ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш бугунги кун ўқитувчисининг зиммасига улкан масъулият юклайди. Ўттиз уч йиллик педагоглик фаолиятим мобайнида ҳозиржавоб, тажрибали устозлардан жуда кўп нарса ўзлаштирдим. Аслида инсон боласи қанчалик кўп билгани сайин шунча кам билишини ҳис этади.

ЯҚИН ҲАМКОР

Ўн уч йилдирки, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси шаҳар бўлимини бошқариб келаяпман. Шу давр мобайнида бирор ўқитувчининг ўз касбидан нолиганини билмайман. Уларни ҳориб-чарчаган ҳолатда учратсангиз ҳам завқу шавқ билан бугунги дарси қандай ўтганидан сўз очади. Ходимларнинг фаолиятини янада қизиқарли қилиш учун кўплаб тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Жумладан, «Аёл мураббий-аёл спортчи», «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда оилавий спорт мусобақалари, «Энг яхши ўқитувчи», «Энг яхши мураббий» сингари қатор танловлар уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. «Энг намунали касаба уюшмаси хонаси», «Энг намунали маънавият хонаси» тадбирларида барча фаол иштирок этади.

Бундан ташқари, вакиллигимиз томонидан ходимларнинг ижтимоий ҳимояси доимо эътиборда. Юртбошимиз эътироф этганидек, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, рағбатлантириш, уларнинг ўз касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим. Шунинг учун халқ таълими тизимида хизмат қилаётган заҳматкаш ҳамкасбларимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, саломатликларини тиклаш, кўнгилли меҳнат қилишларини таъминлаш мақсадида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Турли байрамларда узоқ йиллар таълим соҳасида меҳнат қилиб, айни дамда нафақа гаштини сураётган фахрий устозларни йўқлаш яхши анъанага айланган. Бундай эътибордан кишининг ўз касбига меҳри янада ортади, албатта. Қолаверса, меҳнатлари самарасиз кетмаганини, доимо жамоа назарида эканини дилдан ҳис этади.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож кўп болали, ёлғиз оилаларнинг ўн етти нафарига молиявий ёрдам берилди, 35 нафарига маданий-маиший моллар тарқатилди. Ўтган ўқув йилида нафақага чиққан меҳнат фахрийларини рағбатлантириш учун 550 минг сўм ажратилди. Шаҳримиздаги 34-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 150 минг сўмлик турли бадиий адабиётларни тақдим этганимизда мурғак қалблар қанчалар шодланганлигини таърифлаш осон эмас. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмаси кўпминг сонли жамоамизнинг яқин ҳамкори, ҳамроҳи сифатида баракали меҳнат қилмоқда.

Тоғай ЮСУПОВ,
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар вакили

Хизматидан эл миннатдор

— Эллик йил бирга ишлаган ҳамкасбимнинг эски дарди тутиб қолди. Аҳволи жуда оғир эди. Энди унинг тузалиши қийин-ов, дея ўйлагандик. Ҳатто, рози-ризолик ҳам тилашдик. Орадан ҳеч вақт ўтмади. Бир куни тонг-саҳар эшик тақиллаб қолди. Очиб қарасам, остонада қадрдоним турарди.

ТАШХИС ХОНАДОНЛАРДА ҚЎЙИЛАЯПТИ

— Қишлоғимиздаги врачлик пунктида ўн кун даволаниб, отдай бўлиб кетибди, — дейди Норин туманидаги «Каттаулас» маҳалласида яшовчи саксон ёшли отахон Муҳаммад Бурхонов. — Илгарилари бундай шароит қаерда эди. Оддий хасталикка малҳам топиш учун бир неча километр масофа босиб, туман марказига боришга тўғри келарди.

Истиқлол йилларида туман аҳолисини ижтимоий муҳофазалаш қаторида улар саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор қаратилганлигининг сабаби бор. Ҳудуд икки дарё оралиғида жойлашган. Намгарчиликнинг меъёридан ортиб кетиши турли хасталикларни келтириб чиқарарди. Масаланинг ана шу жиҳати ҳукуматимиз ва вилоят мутасаддиларининг доимий диққат-эътиборида бўлганлиги боис, кейинги даврда бу ерда 19 та қишлоқ врачлик пункти, марказий шифохона, 2 та диспансер, юқумли касалликлар шифохонаси, бир қатор поликлиникалар, 6 та табобат пунктлари қайта таъмирланди ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Олис қишлоқларда эса «Норинтола» ҳиссадорлик жамияти, электр ва газ таъминоти жамоалари, «Тошкент», «Каттаулас», «Норинкапа» муқобил МТП фермерларининг ҳомийлигида 5 та ихтисослашган врачлик пункти қурилиб, аҳолига қулайликлар яратилди.

Соҳада ислоҳотларнинг чуқурлашаётгани ва мутахассислар замонавий билим ҳамда тажрибаларни амалиётга жорий этаётгани боис, оналик ва болаликни муҳофазалашга, ҳар хил юқумли касалликларнинг олдини олишга имкон яралмоқда.

Айниқса, туғиш ёшидаги аёллар билан олиб борилаётган тадбирларда аниқланган касалликларни вақтида даволаш ишлари натижасида камқонлик, бўқоқ ва сурункали буйрак хасталикларига барҳам бермоқда.

Шифокор — соғлом авлод заргари, деган гап бор халқимизда. Бу борада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман бўлими мутахассисларидан иборат гуруҳ тузилган бўлиб, улар қишлоқ ва хонадонларда одамлар саломатлигини тиклаш мақсадида ЭКГ, УЗИ, ФГДС, лаборатория ташхисларини ўша жойнинг ўзида ўтказишмоқда.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури асосида ана шу тадбирлар янада жонлантирилган. Масалан, туман соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан тасарруфдаги барча фермер ва уларнинг ишловчилари бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур доридармон билан таъминланди. Шу билан бирга 240 нафар кам таъминланган, 35 нафар боқувчисини йўқотган кишилар, афғон уруши, Чернобл АЭСи қатнашчилари ҳам шифокорлар ҳомийлигидан баҳраманд бўлишаяпти.

«Саломатлик-2» дастури бўйича аҳолига қулай шароитлар яратиш мақсадида режали ишларимиз давом этмоқда, — дея таъкидлайди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Абдували Мавлонов. — Янги Фарғона маҳалласида, К.Ўлмас ширкат хўжалигининг собиқ маъмурий биноси негизида 40 миллион сўм сарфлаб, мослаштирилган врачлик пунктларини ишга туширдик. Гулистон қишлоғи фермерлари эса 45 миллион сўмга худди шундай бинони қуриб ҳудуд аҳолисига туҳфа этишди. Марказий шифохона қошидаги туғруқхона бўлими ҳар жиҳатдан жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага мослаштирилиб, ишга туширилди.

Туманда тиббий хизматни такомиллаштириш ва чекка қишлоқларда яшовчиларга малакали хизмат кўрсатиш турларини яхшилаш мақсадида вилоят ҳокимлиги яқинда «Дамас» русумли автомашина ажратди. Соҳада қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг барчаси истиқлол туфайли эканлигини одамлар мамнуният билан эътироф этишмоқда. Ваҳоланки, ўн беш йил муқаддам Норинда атиги 2 та врачлик пункти, 1 та табобат бўлими, мўъжазгина марказий шифохона бор эди, холос.

Ҳ.АБДУСАМИЕВ



Асака тумани ҳокими диққатига

Миришкори-ю саноатчиси заргарга киёсланган Асакани билмайдиган киши топилмаса керак Ўзбекистонда. Плёнка остида чигит ундириб, ҳосилдорликни бир неча фоизга орттирган, буғдойдан 60 - 70 центнер хирмон кўтарган ҳам ана шу асакаликлар. Бободеҳқоннинг заҳматли меҳнати чинакамига қадр топди: Асака тарихида изма-из беш йил ҳукумат ташаккурномасини олиш ҳеч вақт кузатилмаганди. Аммо маёққа айланган туманга кўз тегдими ёхуд бошқа сабабларга кўрами, бугунги аҳволига ҳавас қилиб бўлмайди. Таҳлил ва кузатишлар, унинг сабаблари жуда кўп эканлигини англатмоқда.

ФЕРМЕР БОЙИСА, АРЗОНЧИЛИК БЎЛАДИ

Агросаноат мажмуида ислоҳотлар жадаллашиб, мулкдорлар синфи шаклланаяпти. Шу асосда ширкатлар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Бу усул ўзини оқлаётгани, ер ҳақиқий эгаси қўлига топширилса мўл ҳосил олиш ва экин майдонларининг агротехник ҳолати яхшиланиши мумкин эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўтган йил якуни бўйича мавжуд ширкатларнинг барчаси тугатилиб, унинг негизида фермерлик ҳаракати йўлга қўйилди. Бу асакалик миришкорлар зиммасига янада улкан масъулият юклаш билан бирга, улардан ҳали кўп янгиликлар кутиш билан баробар эди. Аммо «шап-шап» дегани билан шафтоли пишавермас экан. Дастлабки йилдаёқ фермерларнинг аксарияти қўлини ювиб қўлтиққа урди, айримлари эса тўғридан-тўғри мулкидан воз кечиб қўя қолди.

Бунинг сабабларидан бири — ширкат хўжаликлари тугатилиши кутилаётгани учун экин майдонлари кузда шудгор қилинмасдан қолди. Баҳорда эса гарчи фермерлар муқобил МТПларга зарур маблағни ўз вақтида ўтказиб берган бўлишига қарамай, техникаларнинг меъёрий ишлаши таъминланмади. Мутасаддиларнинг режа кетидан қувиб «бўл-бўл» дейиши оқибатида кесакли майдонларга ҳам чигит эктириб юборилди. Шунингдек, фермер хўжаликларига ажратилган уруғлик сифатсиз ва давлат стандартларига мос бўлмаса-да, бу билан ҳеч ким қизиқмади. Натижада «Шарқ ҳақиқати» массивидаги «Асакалик Турсун», «Асакалик Абдували», «Асака Чақмоқ», «Мўминжон ери» сингари фермерларнинг экин майдонида чигит униб чиқмагач, бир ой ўтгандан сўнг қайтадан экилди.

Ғўзага ишлов бериш пайтида ҳам қора шира, ўргимчак кана, ғўза қурти каби кушандаларга қарши курашишда мутасаддилар ўзи бўларчиликка йўл қўйиб, тажрибали деҳқонлар маслаҳатидан фойдаланишни ўзларига эп кўришмади. Аҳвол оғирлашгач эса, барибир кимёвий дориворлардан фойдаланилди, аммо вақт ўтиб бўлганлиги учун етилган ҳосилнинг асосий қисми бой берилди.

Мулкдорларни амалдаги қонунлар доирасида қўллаб-қувватлаш ва уларга етарлича шароитлар яратиб бериш ислоҳот олдимизга қўяётган талаблардан бири. Бироқ қишлоқ хўжалиги тизимида анчамунча тажрибага эга бўлган асакалик мутахассислар ана шу оддий ҳақиқатдан негадир кўз юмишди. Айниқса, ширкатларни тугатиш жараёнида қонунда белгиланган меъёрий ҳужжатларга амал қилинмагани ғалвир сувдан кўтарилганда маълум бўлиб қолди. Ваҳоланки, барча хўжаликлар йил охирида фермерлар ихтиёрига топширилишини, бунга жиддий тайёргарликлар кўрилишини ҳокимдан тортиб мутахассисларгача жуда яхши билишарди.

Яна мисолларга эътибор қаратсак. Тендерда ғолиб чиққан фермер хўжаликларига ерларни ажратишда собиқ ширкатларнинг эски ер режаларида кўрсатилган контурларда белгиланган ўлчамлар асос қилиб олинди, шунингдек, фермер хўжаликлари ташкил этилгунга қадар шахсий томорқаларга берилган ер майдонлари ҳисобдан чиқарилмасдан, тўғридан-тўғри мулкдор ҳисобига қўшиб қўйилган. Ёки юқори кучланишдаги электр тармоқлари остидаги майдонлар, тут плантациялари ҳам «Чек гавҳари», «Асака обод диёр», «Миришкор Раҳимжон», «Асакалик Акбар полвон» каби фермерларга ҳосилдор экин майдони сифатида мажбурий тиқиштирилган.

«Озод шифокор», «Соҳиби мулк», «Асакалик Эркин», «Камолитдин камоли» сингари фермерларга ажратилган экин майдонларига оид ер кадастри ҳужжатларида тупроқ кўрсаткичлари (суғорилиши, намлиги ва тошлоқлиги) балл бонитетлари аниқ белгилаб берилмасдан (ҳатто адирлардаги лалми ерлар ҳам) суғориладиган ҳосилдор майдонлар тоифасига киритиб юборилган.

Бундан ташқари, айрим фермер хўжалиги экин майдонларининг бир қисми қонунга зид равишда бошқа бир шахсга олиб берилиб, ноқонуний фойдаланилган. Масалан, «Асака субҳидами» фермер хўжалиги бошлиғи А. Мақсудов вафот этгандан сўнг, унинг вориси — ўғли С. Мақсудов ишни тўғри ташкиллаштириб келаётганига қарамай 287-контурдаги 1 гектар майдон собиқ ширкатнинг меҳнат ларига мутлақо мос эмас. Яъни, тугатиш комиссиялари томонидан тугатилаётган ширкат хўжалигининг охирги кун ҳолати, қишлоқ хўжалик техникалари, эҳтиёт қисмлар, ММТП бинолари, молмулки ва бошқа воситалари ҳамда пул маблағлари тўлиқ ҳисобга олиниб, далолатнома тузиш орқали ММТП балансига ўтказилмаган. Шу асосда Устав улуши ҳам белгиланмаган.

Тугатилган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган муқобил машина-трактор парклари (ММТП) фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мутлақо мос эмас. Яъни, тугатиш комиссиялари томонидан тугатилаётган ширкат хўжалигининг охирги кун ҳолати, қишлоқ хўжалик техникалари, эҳтиёт қисмлар, ММТП бинолари, молмулки ва бошқа воситалари ҳамда пул маблағлари тўлиқ ҳисобга олиниб, далолатнома тузиш орқали ММТП балансига ўтказилмаган. Шу асосда Устав улуши ҳам белгиланмаган.


Ачинарлиси, ММТПларнинг бошқарув органлари, тафтиш комиссиялари фермерлар йиғилиши томонидан қарорлар асосида сайланиш ўрнига тўғридан-тўғри туман ҳокими томонидан тайинланган ёки бирининг иши ёқмаса, бошқасига алмаштирилаверган. Биргина «Шарқ ҳақиқати» массивида саккиз ой оралиғида уч нафар ММТП бошлиғи ўзгарган.

Муҳим ишга масъулиятсизларча ёндошилгани оқибатида ширкат хўжаликларининг охирги ҳисоботлари бўйича ҳақдорлик ва қарздорликлари, жумладан, иш ҳақидан қарздорлик, асосий воситалар: техника ва эҳтиёт қисмлар ҳисоботини олиб, қайта баҳолаш ҳамда охирги қийматини чи-

«Жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор»

● *Кексалар дуоси — эл муддаоси*

Саксон ёшни қоралаётган Эргаш бобонинг ҳаётида унутилмас воқеалар кўп бўлган. Истиқлол шарофати билан муқаддас ҳаж сафарини адо этиб, ҳожи номини олди. Қўша-қўша китоблари чоп этилиб, элнинг севимли шоирига айланди. Бир-биридан хушхулқли, одоб-ахлоқли фарзандларни камолга етказиб, бахти беқам қариялар орасида ўрнини топди.



ҲАЁТ ГАШТИ

Бироқ, шундай бир воқеа борки, отахоннинг қалбида абадулабад муҳрланиб қолган, уни эсласа кўнгли нурга тўлади.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг 2700 йиллик юбилейи тантаналари давом этар эди. Шаҳарнинг бош майдони одамларга тўла. Эл кайвонилари ҳамроҳлигида Юртбошимиз келиб қолдилар.

— Раҳбарлардан ажралиб, тўғри биз қариялар турган томонга йўл олдилар, — дея хотирлайди Эргаш ҳожи фахрланиб. — Ҳаммамиз билан эски қадрдонлардек қуюқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрадилар.

Давлатимиз раҳбарининг самимий сўзлари, оқсоқоллар билан дилдан мулоқотлари кўнглимизни осмон қадар кўтарди. Орамиздаги энг ёши улуғ инсон — юз ёшли Боймаҳмат бобо Шеров дуога қўл очганида, ёшу қари якдиллик билан қўшилиб, Юртбошимизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, халқимизга тинчлик, хотиржамлик тиладик.

Эргаш ҳожи Бозоров ҳар гал Қаршининг бош майдонидаги «Элюрт таянчи» монументини кўрганида ўз ҳаётини, қишлоқдошларини эслайди. Оддий меҳнаткаш оиласи, қадоқ қўлли деҳқон бобо, дуогўй она ва унинг фарзандлари — қўлига китоб ушлаган забардаст йигит, об-ҳаёт идишини тутган гўзал қиз ифодаланган бу ёдгорлик оддий ўзбек хонадонининг ҳақиқий тимсолидир.

— Бу ҳайкал оддий одамларга қўйилган мангулик обидасидир, — дедилар Юртбошимиз тантана очилишида. — Ушбу ҳайкал пойидаги тегирмон тоши бамисоли ҳаёт гардиши каби шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини англатиб турибди. Тегирмон тоши узра эса бир-бирини асраб-авайлаб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз она заминида мустаҳкам турган, диёрини бутун дунёга танитган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлган меҳнаткаш оила тасвири мужассамлашган.

Меҳнат фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган Эргаш ота катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бухоро Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган қишлоқ фарзанди ўзининг ярим асрлик умрини маърифат тарқатишдек эзгу ишга бахшида этиб, Ғузор туманидаги мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, мактаб директори бўлиб ишлади. «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланган.

Турмуш ўртоғи Парвоз ая Байрамова ҳам рус тили фанидан ёшларга таълим-тарбия бериб, мамлакатимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланган.

Эргаш бобо ва Парвоз аялар ватанимиз тараққиёти йўлида собитқадамлик билан хизмат қилаётган тўрт ўғил, икки қизни вояга етказдилар. 20 га яқин невараларнинг ували-жували момоси ва бобоси. Бош фарзандлари Эркин Бозоров «Шўртангазкимё» мажмуасида хизмат қилиб, еродти бойликларини қайта ишлашга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Зулфия, Рустам, Азамат, Юнус, Альфия каби болалари турли касбларда ишлаб, обрў-эътибор орттиришган.

Ватан ва халқ олдидаги юксак хизматлари ва Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан Президентимиз Фармонига асосан Ғузор туманининг Афғонбоғ қишлоғида яшовчи нафақадор, Хўжагузар фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Эргаш Бозоров «Элюрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Касби ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси эмасми, кўп йиллардан бери шеър машқ қилади. Шоирнинг «Ғузор илҳомлари», «Иймон мадҳи дилимда», «Тилакларим», «Ҳадис назми», «Умид қувончи», «Умр ҳикмати» каби ўнга яқин шеърий китоблари республика нашриётларида чоп этилган. Отахон шоир ёшларни иймон-эътиқодли, юртига садоқатли, фозил фарзандлар бўлишга даъват этади. Кўнгилдаги ҳаётбахш туйғуларни мисраларга тизиб, шеърхонни хаёл ва ҳикматнинг покиза оламига бошлаб киради.

— Истиқлол кўнгил ҳурлигининг қутлуғ тантанасидир, — дейди минглаб сатрларда она юртини куйлаган кекса шоир. — Мустақиллик туйғусида Ватан камолоти, халқ буюклиги, иймон ва эътиқод мустаҳкамлиги мужассам. Истиқлол нурлари мангу порлаб, ҳаёт йўлимизни қуёшдек ёритаверсин.

Бир Ватаним, кўрк-чиройи ўзга ҳеч маъвода йўқ,
Бундайин сеҳру тароват, бул жамол дунёда йўқ.
Буюк истиқбол сари бормоқда эл шиддат билан,
Долғаланган бу шижоат уммону дарёда йўқ.

Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат. Шоир бобо ғайрати Фарҳоддан ортиқ ўғлонлар жасоратини, зеболиги Лайлидан зиёда гўзал қизларни, саҳроларда юз очган кўркам чаман гулшанларни ўзининг жўшқин сатрларида ифодалайди. Ёшларни илму ирфон эгаси бўлишга, эзгу амалларини юртдошлари манфаати йўлида сарфлашга даъват этади.

Отахон ёшлигида ҳам, ҳозир ҳам спорт билан шуғулланганидан ҳамиша тетик ва бардам. Унинг шиори — «Соғ бўлай десанг юр, узоқ яшай десанг, югур».

Эргаш бобо тимсолида бутун онгли ҳаётини бунёдкорликка бағишлаган, юзлаб ўғил-қизларга тўғри йўл кўрсатган, она заминни юракдан севиб улуғлаётган фидойи инсонни кўриб, ўзбек диёрида шундай покиза ниятли қариялар яшаётганлигидан фахрланасан киши.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ХАЛҚИМГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ мен учун бахт

Гавҳар 6-синфда ўқир эди. Ўша йили қиш қаттиқ келди. Аксарият синфдошлари дарсларга келмай қўйди. Гавҳар эса онасининг эътирозига қарамай, бирор кун дарс қолдирмади. Мактаб яқин эмас. Тиззагача лой кечган кунлари бўлди. Ана шундай кунларнинг бирида онаси касал бўлиб қолди. Гавҳар қўлидан ҳеч нарса келмаслигидан ўкинди. Шунда у ўз—ўзига «Келажакда албатта шифокор бўламан. Онам, барча оналар касал бўлмаслиги учун ҳаракат қиламан», - деб сўз берди.

Қўнғиротдаги Менделеев номли ўрта мактабни тамомлагач, Тошкент давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Омади кулиб талабалар сафидан жой олди. Изланди, интилди, ўрганди. 1978 йилда шифокорлик дипломини қўлга олиб Қорақалпоғистонга қайтди. Республика стоматология шифохонасида шифокор, бўлим бошлиғи, Нукус шаҳар стоматология поликлиникаси бош шифокори лавозимларида ишлади. Изланишдан бир зум тўхтамади. Тиббиёт янгиликларини фаолиятига жорий қилиш чораларини кўрди. Шу билан бирга, ўзининг раҳбар-ташкилотчилик фазилатларини ҳам намойиш қилди. Нафақат тиббиёт, балки тарих, адабиётдан ҳам хабардор, дунёқараши кенг, гўзал лутф эгаси бўлган аёл ҳамкасблари ва раҳбарлар меҳрини қозонди.

Гавҳар Отамуродова Қорақалпоғистон Республикаси ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти санаторий-профилактор ийси бош шифокори сифатида иш юритаётганига бир ярим йилдан ошди.

- Ўқитувчи энг машаққатли, энг улуғ касб соҳиби. Улар ҳар қанча ҳурмат ва эҳтиромга муносиб. Шу боис уларга юқори даражада хизмат кўрсатишимиз керак, - дея ҳар доим ходимларига таъкидлайди бош шифокор.

Санаторий-профилактор ийда бир йилда 350 ўқитувчи саломатлигини мустаҳкамлайди. Бу ерда асосан институтга малака ошириш учун келган таълим муассасалари ходимлари дам олишади. Бунинг учун ўқитувчилар йўлланманинг 30 фоизини тўлайдилар, холос.

— Ҳамма ўқитувчилар ҳам машҳур санаторий ёки курортларда дам олиш, даволаниш имкониятига эга эмас, - дейди Гавҳар Отамуродова. - Шунинг учун бу ерда ҳеч бир дам олиш масканидан қолишмайдиган шарт-шароитни яратишга ҳаракат қиламиз.

Саранжом-саришталик, турфа гуллар кўтаринки кайфият бағишлайди. Бу ерда асосан остехондреоз, ревматизм, бронхит каби касалликлар даволанади. УВЧ, солиус, электрофарез, кварс, топс кварс, чироқли ванна, ультратовушли терапия, парафин, балчиқ сингари даволаш муолажалари кўмагида муолажалар амалга оширилади. Таомномада мазали овқатлар, сервитамин салатлар, мевалар, шарбатлар, шифобахш дамламалар жой олган. Ўн тўрт кишидан иборат жамоа ҳар бир мижозга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга ҳаракат қилади. Шифокор Ойгул Тўраева, катта ҳамшира Ойзода Кечубаева, ҳамшира Гулойим Исмоилова, массажчи Гулистон Қурбонбоева, ошпазлар Аймангул Сейтмуратова, Жумагул Ибрагимовалар нафақат жамоанинг, балки дам олувчиларнинг ҳам меҳрини қозонишган.

— Республикамиз ва қўшни давлатлардаги санаторийларда бўлиб, уларнинг тажрибасини ўрганмоқдамиз. Санаторийлар фаолиятини ташкил этиш юзасидан кўлланмалар билан танишяпмиз. Бу эса ўз навбатида, янги ғояларга йўл очади. Фаолият кўламини янада кенгайтириш учун изланаяпмиз, - дейди бош шифокор. - Яқинда пулли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Янги тиббий асбоб-ускуналар келтириш борасида ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Демак, ҳадемай маскан янада гўзал қиёфа касб этади. Унда кўплаб устоз ва мураббийларнинг дам олиши, даволаниши учун имконият яратилади.

— Мендан кўпинча муваффақиятларга қандай эришасиз, деб сўрашади, - дейди Гавҳар Отамуродова. - Менимча, бу одамларни яхши кўришим, Ватанга муҳаббатим туфайли бўлса керак. Мен учун дунёда туғилган она юртимдан гўзал жой йўқ. Бу ернинг одамлари ҳам меҳнаткаш, ҳам меҳрибон. Бундай халқ билан яшаш, улар билан ҳамнафас меҳнат қилиш, уларга хизмат кўрсатиш эса мен учун бахт.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ишонч» мухбири

Саховат

Йил Қумқўрғон тумани учун ҳам хайрли якун топмоқда. Кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан туман марказий шифохонаси капитал-реконструкциядан чиқарилиб, меҳнаткашлар ва шифокорларга муносиб совға сифатида тантанали равишда топширилди.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Шу йилнинг апрел ойида Қумқўрғон туман марказий шифохонаси таъсарруфидаги шошилинч тиббий ёрдам ва туғруқхона бўлимларини капитал таъмирлаш учун вилоят «Мукаммал» қурилиш бошқармаси томонидан 46 миллион сўм маблағ ажратилди. Шундан сўнг «Қумқўрғон темирйўл қурилиши» хусусий корхонасининг Йўлдош Бозоров бошлиқ қурувчилари туғруқхона бўлимида дераза ва эшик ромларини янгилаб, сувоқ ишларини бажараётган бир пайтда тумандаги раҳбарлар ва бир гуруҳ саховатли фуқаролар ташриф буюрди. Қурувчилар билан ҳолаҳвол сўрашиб, яхши ниятларини бош шифокор Хушбоқ Холлиевга маълум қилдилар. Туман аҳолиси учун тиббий ёрдамни янада яхшилаш борасида «Беш қаҳрамон», «Оққапчиғай» ҳамда С. Бойматов номли ширкат хўжаликлари 10 миллион сўмдан, «Чорвадор» хусусий корхонаси 2 миллион сўм, «Сурхон» комбинати 5 миллион сўм ажратди. Ҳомийлар ҳам қараб туришмади. Бошланган иш тиббиёт ходимларига қувонч бахш этди. Улар 2 кунлик иш ҳақларини, яъни 5 миллион сўмни таъмирлаш ишлари учун берадиган бўлишди. Воқеадан хабар топган туман ҳокими Н. Чориев ҳам туман марказий шифохонасини кенг кўламда таъмирлаш учун туманнинг заҳира маблағи ҳисобидан 32 миллион сўм ажратди. «Абдулазиз — Абдувоҳид», «Мухтор», «Пахтаой», «АРК — керамика» каби қурилиш фирмалари ҳам бу ишга жалб этилди. Тумандаги юзлаб фермер хўжаликлари, тадбиркору ишбилармонлар талаби билан туман тижорат «Пахта банки»да махсус ҳисоб очилиб, 200 миллион сўм маблағ тўпланди.

— Туман марказий шифохонасини таъмирлаш учун вилоят ва туман раҳбарлари Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастурини бажариш ҳамда Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига жавобан хайрли ишга бош қўшдилар. Бахтимиз Қомуси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги олдидан бизга шифохонамиз ҳамда қишлоқ врачлик пунктларимизни замонавий таъмирлаб топширдилар. Эндиги мақсадимиз — эзгу ишга муносиб, баркамол авлод учун хизмат қилиш, — дейди бош врач Х. Холлиев. — Шифохонамиздаги ихтисослаштирилган бўлимлар замонавий тиббий ускуналар ва дорилармонлар билан таъминланган. ҚВПда аҳолимизга тез ва бепул шошилинч ёрдам кўрсатишни намунали тарзда йўлга қўямиз. Бунинг учун барча шароитларимиз мавжуд. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан энг сўнгги нусхадаги рангли телевизион рентген аппарати, туғруқхона учун наркоз берувчи тиббий жиҳозлар билан таъминландик. Аёлини, фарзандини эъзозлаган юртнинг эртаси порлоқ бўлади.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Сўх туманида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тумандаги "Сўх—Чашмаси" ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти таҳсинга сазовордир. Ҳабибулло Ёрматов бошчилик қилаётган мазкур корхона туман аҳолиси фаровонлигини ошириш йўлида муносиб ҳисса қўшмоқда. Тадбиркор туманда биринчиларда бўлиб "Сўх", кейинчалик унинг негизида "Сўх—Чашмаси" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ва "Мирзаабдулло" фермер хўжалигини ташкил этди.

«СЎХ—ЧАШМАСИ»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

— Тўғрисини айтсам, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган дастлабки вақтларда анча қийналдик, — дейди Х. Ёрматов. —Ҳукуматимизнинг ишбилармонларга бўлган эътибори, берилаётган имкониятлари туфайли меҳнат самарадорлиги ортди. Энг асосийси, вилоят марказидан анча олис бўлган тоғ қишлоқларига ҳам ишлаб чиқариш тармоқлари кириб келди, бир қанча янги иш ўринлари яратилди.

Илгарилари туман аҳолиси эҳтиёжи учун зарур бўлган ун маҳсулотлари 100-120 километр масофадан ташиб келинарди. Табиийки бу туман аҳолисига анчамунча муаммолар туғдирарди. Корхона таъсислигида ун ишлаб чиқариш корхонасининг ишга туширилганлиги бу борадаги оворагарчиликлар, узилишларга барҳам берди. Аҳолининг ун маҳсулотига бўлган талаби тўла қондирилди. Ҳозирда замонавий технологиялар асосида корхона жамоаси бир кунда 15-20 тонна ун ишлаб чиқармоқда. Ўтган йилги кўрсаткичларга кўра корхона 600 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқаришган. Соф фойда эса 60 миллион сўмни ташкил этди. Энг қувонарлиси 100 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Корхона ҳомийликка ҳам алоҳида эътибор қаратган. Бу борада 25 миллион сўм маблағ сарфланди. Жумладан, туман марказий шифохонаси реанимация бўлимини мукаммал таъмирлаш ишларига, "Навобод" маҳалласига тоза ичимлик суви тармоғини ва Янгиариқ қишлоғидаги Тошқўра маҳалласига газ қувурини тортишга муносиб ҳиссасини қўшди.

Расул КАМОЛОВ

ТАДБИРКОРЛАР ҲИММАТИ

Кейинги йилларда Самарқанд тумани тиббиёт соҳаси бўйича катта ўзгаришларга эришди. Бир қанча ҚВП бинолари қурилди, қишлоқ участка шифохоналари ташкил этилди. Шу жумладан «Барака», Оҳалик ҚВПлар янги бинога эга бўлди. Қулбайпоён, Янгиариқ-1 қишлоқ врачлик пунктлари бинолари тўлиқ таъмирланди. Тумандаги барча тиббий муассасалар таъмирдан чиқарилди. Жорий йилда «Саломатлик-2» дастури бўйича ҚВПларга 32 миллион сўмлик жиҳозлар олинди. Йил охиригача уларнинг ҳар бирига 12 миллион сўмликдан жиҳоз етказиб берилиши мўлжалланган.

Туғруқхона мажмуи, гинекология, жарроҳлик, реанимация бўлимларида шароитлар яхшиланди. Натижада беморлар ҳамда ходимларга қулайликлар яратилди.

Кейинги икки йил мобайнида туманимиздаги кўплаб қорхона ва тадбиркорлар тиббиёт муассасаларига ўзларининг беминат ёрдамларини беришмоқда. Улар тиббиёт равнақига кўмаклашиш ўз саломатликларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини англаб етишмоқда. Хусусан, «Стеклопластик» корхонаси, «Парвина» фирмаси, ўнлаб фермер хўжаликлари ташаббускорлик кўрсатиб келмоқда.

Дастур доирасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техникавий негизини мустаҳкамлаш билан бир қаторда ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, манфаатларини рўёбга чиқариш ҳам назарда тутилган. Манфаатдорлиги юкори, меҳнатига яраша рағбат оладиган ходим унумлироқ ишлаши сир эмас. Туманимизда 2,5 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари бор. Шу боис бу йилги жамоа шартномасида ходимларни рағбатлантириш, муҳтожларни қўллаш масалалари алоҳида ўрин тутган. Йилнинг ўтган даврида ходимларимизнинг 123 нафари ижтимоий ҳимояланди. Шунингдек, уларга қўшимча равишда ҳомийлар ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан белгиланган иш ҳақига устамалар сингари моддий ёрдамлар берилди.

Ҳукуматимизнинг алоҳида эътибори туфайли тиббиёт соҳасида рўй бераётган юксалиш сезилиб турибди. Ходимларнинг ишга муносабати ўзгарди, одамларнинг саломатлиги учун кўзланган мақсадга эришилмоқда.

В.ҲАЛИЛОВ,
Самарқанд туман марказий шифохонаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Шунинг учун уларга пешвоз чиқиш керак. Давлатимиз иқтисодий сиёсатида бунга алоҳида аҳамият берилмоқда

қариш, асосийси, сўнгги балансдаги натижалари фермерларнинг умумий йиғилишида кўрилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунисиз камлик қилгандек, «Галаба» массивидаги чорва фермалари Исроил Шокиров, Мўйдин Нурматов сингари мулкдорларга кимошди савдоси орқали сотилиб, маблағи улардан ундирилмасдан фермер хўжалиги балансидаги ва белгиланган баҳоси ишчиларга иш ҳақи сифатида тарқатилган дала шийпони аввалги саналар билан расмийлаштирилиб, иккинчи кишига ҳужжатлаштириб берилган. Энг қизиғи, тугатиш комиссиялари шу кунгача қилган ишлар ҳақида на туман ҳокимлигига, на қишлоқ ва сув хўжалиги, статистика бўлимларига, фермерларга юклангани уларни иш бошламасданоқ қарзга ботириб қўйган.

Назорат мутасаддилар эътиборидан четда қолгани учун «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалигидаги қиймати 35 миллион сўмга баҳоланган қўйчилик фермаси ҳамда балансдаги бинолар 8 миллион сўмга қайта баҳоланиб М. Аҳмадалиевга сотиб юборилган. Бундан ташқари, «Чек гавҳари» фермер хўжалиги балансидаги ва белгиланган баҳоси ишчиларга иш ҳақи сифатида тарқатилган дала шийпони аввалги саналар билан расмийлаштирилиб, иккинчи кишига ҳужжатлаштириб берилган. Энг қизиғи, тугатиш комиссиялари шу кунгача қилган ишлар ҳақида на туман ҳокимлигига, на қишлоқ ва сув хўжалиги, статистика бўлимларига, фермерлар уюшмасига аниқ ҳисоботлар киритмаган.

Сув ва суғориш иншоотлари бўлимларида ҳам мулкдорларга хизмат кўрсатиш ишларига панжа орасидан қараладиган ташвишланарли. Ахир, фермер топган-тутганини елкасига орқалаб кетмасди-ку! Шу масалага дахлдор бир мисол. Сув чиқарувчи насослар аксарият ҳолларда

ГЎЗАЛ ХУББИЕВА – ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБАСИ

«Мен 2002 йилдан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт тасарруфидаги 2-мажмуавий ихтисослашган олимпия заҳиралари БЎСМда енгил атлетика бўйича спринтерларнинг бошланғич гуруҳида мураббий лавозимида фаолият кўрсатмоқдаман. Шу билан бир қаторда фаолиятимни ҳам давом эттирмоқдаман.

Ҳозир Қатар давлатида ўтадиган Осиё ўйинларига катта тайёргарлик кўрмоқдаман.

Ниятим — ғалаба қозониш. Ватаним байроғи ҳилпираб, давлат мадҳиямиз янграши учун бор маҳоратимни ишга соламан.»

Ажабланманг, ушбу жумлалар Гўзал Хуббиеванинг Мустақиллик байрами арафасида газетамизга берган интервьюсидан олинди.

Дарҳақиқат, спортчи қиз ўз ваъдасининг устидан чиқди. Касаба уюшмалари спорт мактаби вакиласи Гўзал Хуббиева 100 метрга югуриш мусобақаларида маррага биринчи бўлиб етиб келди ва терма жамоамиз ҳисобига учинчи олтин медални ёзиб қўйди.

Шунингдек, сакраш мусобақаларида Леонид Андреев мамлакатимизга биринчи кумуш медални туҳфа этди.

Бокс мусобақалари ҳам ўз поёнига етай деб қолди. Вакилларимиздан Баҳодир Султонов, Элшод Расулов ва Жасур Матчоновлар ярим финалга йўл олди. Энди улар ҳеч бўлмаганда бронза медалларини қўлга киритиши мумкин. Улар сафига яна Дилшод Маҳмудов, Бекзод Хидиров ва Рустам Саидовлар ҳам қўшилди.

Юнон-рум курашчиларимиз Дилшод Орипов ҳамда Геннадий Чхаидзелар терма жамоамизга навбатдаги медалларни тақдим этди.

А.ЮНУСОВ

Профессионал бокс

«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ» КАМАРИ – ВАТАНДОШИМИЗДА

Яқинда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида профессионал бокс бўйича бир қатор рейтинг ва титул жанглари бўлиб ўтди.

Ҳамюртимиз Қувончбек Тойғонбоев ўз йўналишида «Интерконтинентал» камари учун чилилик Марио Кастро билан рингга чиқди. 12 раундга мўлжалланган жанг яримига ҳам етмади. Бешинчи раундда Қувончбек рақибини чуқур накаутга туширди.

Эслатиб ўтамиз, боксчи айни пайтда пойтахтдаги «Фавзул -мунаввар» бокс клуби аъзосидир. Унга акаси Зиёвиддин Тойғонбоев мураббийлик қилмоқда.

А.АБДИЕВ

Театр

Юзидан нур ёғилиб, тилидан бол томиб турган, каттаю кичикка ўзининг самимийлиги, тўғрисўзлиги билан ёққан, меҳрибон, мунис аяжонларни кўрганда, беихтиёр тўлқинланиб кетамиз. Уйнинг тўри уларники. Тўй-маъракалар ҳам бувижонлар маслаҳатисиз ўтмайди. Биз бугун сизларга яқиндан таништирмоқчи бўлган аяжонимиз эса сал бошқачароқ, барча хонадонларга таниш ва табиийки, барча болажонларнинг бувижониси бўлган Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Йўлдошевадир.


Архив

МУҲАББАТ АЯНИНГ БАХТИ ва армонлари

Санъатга, театрга бўлган ҳавас унда ёшлигидаёқ, яъни ўрта мактабнинг драма тўгарагида фаол қатнашиб юрган кезлариданоқ бошланганди. 10 синфни тугатган ёш Муҳаббатни ширин орзулар Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрига етаклаб келди.

— Сиздан келгусида албатта катта санъаткор чиқади, ҳали мана кўрасиз, шундай кунлар келадики, менинг айтганларимни эслаб юрасиз. — Устоз Обид аканинг айтган гаплари ҳануз унинг қулоғида жаранглаб туради.

Нозиккина, санъатга чанқоқ, тиришқоқ қиз аста-секин кичик ролларни ижро эта бошлади. «Ёрилтош»да эса рақҳоса ролини шу қадар нафосат, эҳтирос билан ижро этдики, унга дарҳол «Қамар» спектаклидаги шижоатли Қамар образини ишониб топиришди. Театр Обид Толипов билан Муҳаббат Йўлдошевалар тақдирини бирлаштирди. Улар учун энди театр қайда тугаб, ҳақиқий ҳаёт қайда бошланиши-ю, ҳаёт қайда тугаб театр қайда бошланишининг фарқи йўқ эди гўё.

1930 йилда асос солинган Ёш томошабинлар театри Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошеваларнинг кўзи ўнгида юксалди. Театр жамоаси Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана»сидан тортиб, Гоголнинг «Ревизор», Фонвизиннинг «Норасида», Шекспирнинг «Вероналик икки йигит», Мольернинг «Зўраки табиб», А. Дюманинг «Уч мушкетёр», М. Авезовнинг «Абай», Ч. Айтматовнинг «Оқ кема», Р. Ҳамзатовнинг «Тонг қизи» каби асарларини саҳнага қўйди. Муҳаббат Йўлдошева театрга шон-шуҳрат келтирган ушбу спектакларда 200 дан зиёд хилма-хил образлар яратди.

Дастлаб, ўғил болалар образларини ижро этиб келган Муҳаббат опа йиллар ўтиб, оналар, бувилар образларини яратди. «Абдулла Набиев», «Алёша Пешков», «Павел Корчагин», «Ким айбдор?» спектаклида она образида кўриб, ўзим учун кашф этганман, десам янглишмайман. Қарангки, 1962 йилда ўқишни битиргач, театрга ишга келиб, «Ким айбдор?» спектаклида опанинг ўғли Тўлқин ролини мен ая билан ижро этиш бахтига муяссар бўлдим. Обид ака ҳамда Муҳаббат опа саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам барчага ибрат эди. Гулчеҳра билан уларга хавас ила боққанимиздан, театрда ҳам, турмушда ҳам улар сингари бирга бўлишга аҳду паймон қилдик. Улардан ҳаётда кўп нарсаларни олдик. Қисматимиз ҳам ўхшашлигидан ҳалигача уларни ёлғиз қолдирмаймиз. Обид аканинг йўқликларини билдирмай, яхши, қолаверса оғир кунларида аянинг ёнларида бўлиб, ҳамиша кўнгилларини кўтариб келмоқдамиз.

Муҳаббат ая 84 баҳорни қаршилаётган бўлишларига қарамай, ҳалигача куйдипишди. Кўз тегмасин, тетик, бардам уйда болалари-ю нанималигини билмайдилар. Дам олиш кунлари эса уйларидан меҳмон аримайди...

«Ёшлар» телеканалидаги «Азизим» кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси Умида Усмонова ая ҳақида шундай деди:

— 2003 йили март ойида Муҳаббат аяни телевидениега чақириб, 30 серияли «Чорраҳадаги уй» телефильмига таклиф этдик. Бир неча йиллар изланишда режиссёр Рихсивой Мирзараҳимов, тасвирчи Зиёдулла Убайдуллаевлар иштирокида тасвирга олинган ушбу видеофильмда бош қаҳрамон Муҳаббат ая ўз ролини ўта моҳирлик билан ижро этиб, филмимизга жон бахш этдилар. Ҳар бир қисм суратга олиниши олдидан ая ўзларини ўша ҳолатга тайёрлар, биргаликда рол ижро этаётган ёш ҳамкасбларининг ҳам роллари табиий чиқиши учун жон куйдирардилар.

Филмда шундай бир ҳолат бор. Муҳаббат аянинг ўғли оғир касалликдан сўнг шисаҳналаштирилган «Тинибтинчимас бувижон» спектаклида бош қаҳрамон образи томошабинларга ниҳоятда манзур бўлди. Аянинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланиб, 1994 йилда «Жасорат» медали ҳамда 1997 йилда эса «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Ёшлар, минглаб театр ихлосмандлари Муҳаббат ая яратган образларни, ундаги жонкуярлик, фидойилик, меҳр-муҳаббат билан йўғрилган оналар сиймосини кўриб, ҳайратга тушгандилар ва ҳануз яхши эслайдилар. Обид ака билан Муҳаббат опанинг ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам, кўчакўйда ҳам содиқ дўст, вафодор ёр бўлиб, ширин ва мазмунли ҳаёт кечирганларини яхши билишади.

Республика Ёш томошабинлар театрида яхши анъана бор эди. Ҳар душанба куни эрталаб, барча ижодий гуруҳлару кекса санъаткорлар ва техник ходимларгача йиғиларди. Бундан асосий мақсад дийдорлашиш эди. Қолаверса, дунёдан ўтиб кетган ҳамкасблар ҳам ҳурмат ила ёдга олинарди.

Театр жамоасининг кекса онахони, аяси бўлган моҳир санъаткор, устоз Муҳаббат опа суҳбатимиз сўнггида шундай дедилар:

— Биласизми, менинг шу жамоага, жонажон театримга келиб иш бошлаганимга 67 йил тўлди. Бу театрнинг каттаю кичигидан тортиб, ҳар бир жиҳозию саҳна бутафорларигача мен учун азиз бўлиб қолган. Раҳматлик Обид акангиз билан эски театр биносида бутун умримизни, яхшию ёмон кунларимизни бирга ўтказдик. Обид акангиз оламдан ўтганларига ҳам 12 йил бўлди. Болажонларни ўта яхши кўрганларидан «Келгусида болаларимиз шоҳона, янги театр биносида, барча шароитлар яратилган кошонада спектакллар томоша қилишади, гўё афсоналар шаҳарчасига кириб қолгандай бўлишади», деб кўп таъкидлардилар.

Бу орзулар театр жамоаси учун ҳозирча бир армон бўлиб қолмоқда.

Менинг бирдан-бир армоним ҳам болажонларга барча шароитлари мужассамлашган янги театр биносини кўриш. Қолаверса, янги театр биносида, янги бир асарда бош ролни ижро этиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Раҳимжон ОРИПОВ


Архив

«Оила» спектаклларида иқтидорли актриса юрак қўрини тўкди.

Ая устозлари ва режиссёрлари ҳақида гап кетгудай бўлса, Обид Толипов, Жавод Обидов, Афандихон Исмоилов, Иброҳим Аҳмедов, Тамара Иброҳимова, Бобо Хўжаев, Неъмат Дўстхўжаев, Мирзакарим Бобоев, Маҳкам Муҳамедов, Омон Шарипов ва бошқаларни алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан гапиради.

Муҳаббат опа шогирдларига ҳам меҳрибон устоз, ҳам она бўлган. Болалар уйида тарбия топган ёш актриса Тамара Ҳамдамовани ўз оиласида Обид ака билан қизлари қаторида катта қилиб, турмушга узатишганини театр жамоаси яхши эслайди. Театр даргоҳида аянинг Тамара Ҳамдамова, Гулчеҳра ва Лутфулла Саъдуллаевлар, Ёдгорой Зиямуҳамедова сингари ўнлаб шогирдлари устозлари ёнида сидқидилдан самарали ижод қилиб келдилар.

Лутфулла Саъдуллаев, Ўзбекистон халқ артисти:

— Муҳаббат аяни мен, хали ўқувчилик давримда биралари қуршовида бекаму кўст, фаровон қарилик гаштини сурмоқдалар. Шундай деймизу, Муҳаббат аяни вақти келиб тополмаган пайтларимиз ҳам бўлган. Бир қарасанг, телевидение ходимлари съёмкага олиб кетишса, бошқа куни эса жонажон жамоаси театрга олиб кетади, яна бошқа кун ўқув юртлари талабалари билан учрашувга отланиб қолган бўлади. Хуллас, актриса аямиз зерикишнию, чарчоқ фохонада вафот этади. Институтда ўқийдиган невараси билан шифохонага бирга боришади. Муҳаббат Йўлдошева санъат институтининг ўша даврдаги 4-курс талабаси Фарҳод Бадаловни ролга шундай тайёрладики, натижада Фарҳод ўз ҳолати, яъни шу образдан чиқа олмай, съёмкадан кейин ҳам чамаси икки соатча ўзини тута олмай, йиғлаганининг шоҳиди бўлгандик.

Муҳаббат ая учун атайлаб

Мозийга қайтиб...

Ўзбек адабиёти тарихида мозийга бағишланган асарлар анчагина. Романчилигимиз тамал тошини қўйган Абдулла Қодирий, устоз Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров асарларини эса олишнинг ўзи кифоя. Бироқ бу асарларнинг айримларида ўша даврдаги ҳукмрон мафкуранинг таъсири ҳам сезиларли. Тарихимизга ҳаққоний ёндошиш ва уни бадиий акс эттириш имкони истиқлолдан сўнггина туғилди. Тарихий мавзуда ёзилаётган асарларнинг муҳим жиҳати, ўтмишдаги ёркин саҳифаларни борлигича бугунги китобхонга тиниқ, равшан кўрсатишдир.

АМИР ТЕМУРНИНГ СЕВИМЛИ КЕЛИНИ

Миллий ғоянинг устувор бўлиши асосида тарихий, миллий қадриятларнинг ётишини эътиборга олсак, бу мавзуда ёзилаётган илмий ва бадиий асарлар ёш замондошларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омилларидаилигини яна бир бор ҳис қиламиз. Тарихий мавзуда кўплаб асарлар яратилаётганлигини таъкидлаган ҳолда, биргина Амир Темур ва темурийларга оид бир қанча илмий, бадиий асарлар юзага келганини айтиш мумкин. Абдулла Ориповнинг "Соҳибқирон" шеърий драмаси, Одил Ёқубовнинг "Бир париваш қиссаси", Пиримқул Қодировнинг "Амир Темур қаҳрамонлиги" илмий бадеаси, Бўрибой Аҳмедовнинг "Амир Темур" роман-бадеаси, Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" романининг биринчи, иккинчи китоблари, Тўлқин Ҳайитнинг "Вафо маликаси" романи, шунингдек, Ҳаким Сатторий, Ғулом Каримларнинг китоблари ўқувчиларнинг маънавий мулкига айланди. Яна бу мавзуда асарлар ёзилажаги шубҳасиз. Яқинда "Фан" нашриёти томонидан чоп этилган Пирмат Шермуҳамедовнинг "Хоразм маликаси ёхуд Амир Темур келини"(2006) роман-бадеаси Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ижодкорларни ҳамиша ўзига ром қилишининг исботидир.

Пирмат Шермуҳамедов атоқли адабиётшунос олим, ўнлаб китобларнинг муаллифи сифатида кенг жамоатчиликка яхши таниш. Шу билан бирга, ушбу асарни ёзгунга қадар "Буюк Хоразмий" номли роман-бадеа ёзиб қаламини чархлаган. Демак, тарихий мавзу П. Шермуҳамедов учун янгилик эмас. Аммо асарнинг муваффақиятли чиқиши фақат шу омиллар билан белгиланмайди. Ёзувчи ҳар бир асарига янгидан тайёрланиши, устоз Абдулла Қаҳҳор уқтирганидек, ўша асар учун "ҳомиладор" бўлиши даркор. Ёзилажак асарнинг руҳи билан яшаши, унга ўз қалб қўрини сингдира олиши зарур. "Хоразм маликаси ..." ни ўқир экансиз, муаллиф бу асарни бекорга ёзмаганлигини ҳис қиласиз. Тарихни билиш, ўтган буюкларимиздан ибрат олиш, умуман тарих бугунги авлод учун бир маънавий дорилфунун эканлигини англаш зарурияти сезасиз.

Асар 1373 (ҳижрий 775) йил Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий муҳит таъсири билан бошланади. Бу даврда Хоразмнинг бир қисми Олтин Ўрда тасарруфида эди. Мўғуллар пароканда қилган Туронни бирлаштириш йўлида ҳаракат қилаётган Амир Темур бу борада, аввало, яхшилик билан келишув, муроса йўлини тутарди. Амир Темурнинг Хоразм ҳокими Ҳусайн Сўфининг иниси, Оқ Сўфининг қизи Севинчбекани тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзога келин қилишидан мақсади хоразмликлар билан қудаанда бўлиб, тинчлик йўли билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўлган. Қолаверса, Севинчбеканинг ақлу одобда, ҳусну малоҳатда тенгсиз бўлгани боис Жаҳонгир Мирзога муносиб кўрилган. Севинчбеканинг онаси Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг қизи Шакарбека эди. Хонлар авлодидан бўлгани туфайли Севинчбекани Хонзодахоним дея улуғлашган. Асарда Хонзодахоним ҳаёти асосий мавзу сифатида ёритилгани ҳолда, давр руҳи, аҳоли турмуш тарзи, сиёсий муҳит яхши тасвирланган. Амир Темур ва Хоразм ҳукмдорлари ўртасидаги муносабатлар, раҳнамоларининг хиёнат йўлига ўтиб, Олтин Ўрда томонга оғиб кетиши тарихий манбалардан иқтибослар келтириш билан далилланади. Тарихий асарлардан илмий фактлар келтирилганлигини эътиборга олиб, асарда икки хил йўналиш бор дейиш мумкин. Биринчиси, бадиий йўналиш бўлиб, ёзувчи тарихий шахсларнинг адабий образини яратади. Ўз қаҳрамонларига ижодкор кўзи билан қараб, уларнинг фикр-ўйлари, ҳис-туйғуларини ифодалашда бадиийлик мезонларига амал қилади. Иккинчиси, илмий йўналиш бўлиб, П. Шермуҳамедов ёзувчи сифатида тасвирланган воқеа-ҳодисаларни олимлик нуқтаи назаридан таҳлил этиб, ўша даврда ва ундан сўнг яшаган тарихнависларнинг асарларидан кўчирмалар келтириб ўқувчини асл манбалар билан таништиради. Жумладан, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Мирзо Улуғбек, Б.Д.Грекбо, А.Ю.Якубовский, Я.Ғуломов, Б.Аҳмедов, П.Қодиров, Т.Файзиев ва бошқа олимлар асарларига мурожаат қилинганини мисол тариқасида айтиш мумкин. Муаллифнинг ютуғи илмий манбаларга кўр-кўрона ёндошмай, фактларни қиёслайди ва ақл тарозусидан ўтказиб китобхонга тақдим этади.

Асар бош қаҳрамони Хонзодахоним образи адабиётимизда бундан олдин ҳам яратилганди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али "Улуғ салтанат" романининг "Жаҳонгир Мирзо" дея номланган биринчи китобида Хонзодахоним ва Жаҳонгир Мирзо муносабатларини жуда эсда қоларли қилиб тасвирлаган. Муҳаммад Али романида Хонзодахоним ҳаётига оид деталлар ҳам анчагина. Пирмат Шермуҳамедов Муҳаммад Али услубини такрорламаган ҳолда бошқа йўлдан боради. Хонзодабегим тақдиридаги мудҳиш воқеалар, унинг иродаси, оилапарварлиги, давлат ишларига ҳам бепарво эмаслиги тушади.

Севинчбека бир нима демоқчи бўлди, аммо Жаҳонгир Мирзо унинг сўзларини охирига қадар эшитмай туриб, бир пасда чуқур жарликка қулаб тушди...»

Дарҳақиқат, Жаҳонгир Мирзо 20 ёшида бевақт вафот этади. "Жарликка қулаб тушган..." шаҳзодадан бир ўғил Муҳаммад Султон билан бева қолган Хонзодахонимни маълум вақт ўтгач, қайниси Мироншоҳ Мирзо никоҳига киритадилар. Хонзодабегим марҳум эрини қанчалик севмасин, ўша давр таомилига, қолаверса қайнотаси Амир Темур хоҳишига қарши боролмасди. Асарда Хонзодабегимнинг изтироблари, юрак тўлғоқлари, дилни ўртар фиғони онаси билан суҳбатда шундай таъсирли тасвирланади:

«— Онажон, мен куёвингиз Жаҳонгир Мирзони севганмен, бошқа одамни севишга қурбим етмайди.

— Тушунамен, қизим, тушунамен, ахир бир умр бева бўлиб ўтмайсан-ку, энди айни ўйнаб-кулладиган вақтинг келди.

—Шаҳзода майи нобга ружу қўйган эмиш, унинг устига уйланган бўлса... яна эски кундошим билан рўпара бўламенми. Бу қандай кўргулик? Аллоҳ қайси гуноҳим учун мени жазолаяпти экан?»

Тақдир тақозоси ила Мироншоҳ Мирзо билан Хонзодабегим бир-икки йил яхши яшайдилар. Кейинчалик Мироншоҳ Мирзонинг муносабати бутунлай ўзгаради. Айниқса, Султонияга келгандан сўнг, чидаб бўлмас даражага етади. Майга, маишатга берилган Мироншоҳ Мирзо Хонзодабегимни турли йўллар билан камситар, бу камситишлар ҳақоратга айланарди. Хонзодабегим оқила аёл сифатида Мироншоҳга ижобий таъсир қилишга уриниб кўради, аммо бу эрининг нафсониятига тегарди, холос.

«Кайфи ошиб қолган Мироншоҳ Маҳдидулёга тикилиб туриб, шундай дейди:

—Биласанми, мен сенга нима демоқчимен. Ҳа, ҳа, биласен, жонимга тегиб кетдинг. Сен менинг ҳар қадамимни кузатасен ва отамга етказиб турасен. Сен душманимсен. Тушундингми, душманимсен. Ҳа, ҳа, ҳа душманимсен. Мана бу майни ич.

—Ичмаймен.

—Ичмайсенми... Ичмас эрмиш. Бошқа маликалар мен узатган майни жон-жон деб ичишади. Сен бундан буён малика эмассен. Тушундингми, малика эмассен. Йўқол бу ердан, бундан буён қорангни кўрмай, қора қарға».

Мироншоҳ зуғумига чидай олмаган Хонзоданинг Самарқандга келиши, оилавий ҳолатидан Сароймулк хонимни хабардор қилишдаги андишаси, минг бир хаёлга бориб, ҳеч чорасиз қолгандагина ўз аҳволини маълум қилиши унинг нақадар сабрли эканлигидан далолат. Ёзувчи унинг ички кечинмаларини руҳий таҳлил, бадиий маҳорат-ла очади. Асарнинг яна бир муҳим томони Амир Темур сиймоси. «Бири-бири билан мингашиб, болалар сингари қувлашмачоқ ўйнаётган тўлқинларни завқланиб томоша қилар экан Хонзоданинг кўз ўнгида беихтиёр равишда ҳазрати қайнотаси Амир Темурнинг жиддий, виқорли қиёфаси гавдаланади...

—Қайнотам, улуғ Амир ҳамиша эл, улус, юрт ғамини ўйлайди, дарёдек тўлиб-тошади, тиним билмайди. Ҳеч нарса унинг нигоҳидан қочмайди... Салтанат тақдири ҳам, қариндош-уруғлари ҳам, маликалар ҳам, фарзандлар ҳам, невaралар ҳам...

У ҳеч қачон ўз яқинларидан меҳрини дариғ тутмайди. Адолатпарвар. Нега Мироншоҳ Мирзо ва фарзанди арҳуманди Халил Султонлар Амир Темурга ўхшамайди, ундан ўрнак олмайди?» .

Мироншоҳ Мирзодан рўшнолик кўрмаган Хонзодабегимни фарзанди Халил Султоннинг Шодимулк билан можароси яна изтиробга солади. Асарда Шодимулк образи ҳам жуда ёрқин ифодаланган. Кўпгина ножўя ишларни қилган бу хонимнинг охир-оқибат пушаймон бўлиши ишонарли тасвирланган. Суюклиси Халил Султон вафотидан сўнг кўксига ханжар санчиб ўзини ўлдириши ниҳоятда таъсирли берилган. Ёр учун жон фидо қилиш ҳар қандай аёлнинг қўлидан келавермайди.

Асар сўнгида ўғлининг қилмишларидан дилида озор билан, «ҳеч кимга керакмаслигини» билиб дунёдан кўз юмган Хонзодабегимнинг тақдири китобхонни ўйлатади.

Асарда маромига етмаган айрим персонажларнинг бўлиши, иқтибосларнинг чўзилиб кетиши умумий руҳнинг китобхонга таъсирини заррача пасайтирмаган. Роман-бадеа ўша давр тарихий муҳити ҳақида ўқувчи тасаввурини тўлдириши билан ҳам аҳамиятли. Китобга сўзбоши ёзган профессор Нарзулла Жўраев ҳам, сўнгсўз ёзган таниқли адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд ҳам бунга эътибор қаратганлар. Пирмат Шермуҳамедовнинг ютуғи «ватанимиз тарихининг ҳозиргача қоронғу ва сирли қатламларини янгича нигоҳ билан кўра олгани»дадир. Шу билан бирга Амир Темур шахси ва темурий шаҳзодалар, маликалар ҳақида китобхонга янги маълумотлар берганидадир.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМУ доценти, адабиётшунос

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ ВАҲТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев
Навбатчи - Р.Суяров
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.10

Буюртма Г— 1415

Тиражи: 7406